

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzrak.uz

2003 йил 29 март, №70 (3182)

Шанба

Ташаббус тутилган жойда

Ютуқни техника ҳал қилади

Сирдарё вилоятида республикамиздаги қатор нуфузли компаниялар иштирокида техника кўрғазмаси бўлиб ўтди. Аҳамияти беқиёс бўлган бу тадбир ҳақида ҳикоя қилишдан аввал жойлардаги техника ҳолатига бир назар ташласак.

Боёвут туманидаги Носир Маҳмудов номидаги ширкат хўжалигида қатор ора-ларига ишлов берадиган атиги тўртта трактор бор. Хўжалик экин майдони эса салкам бир ярим минг гектар. Бунча техника билан кўзланган ҳосилни етиштириб бўладими? Хўжатларга қарасангиз, сотиб юборилган техникалар қонуний жиҳатдан эътирозга сабаб бўлмайди. Аммо, кошқийди, улар фермерга, хўжаликда ишловчи кишиларга хусусийлаштирилиб берилган бўлса? Бугунги кунда ўнлаб тракторларнинг қаерда эканлигини бирон-бир раҳбар аниқ айтиб беролмайди.

Шароф Рашидов туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигининг беш минг гектарга яқин майдони кўздан бошлаб то кўкламага қадар шудгор қилинган. Гафла кеч экилади. Ғўза ниҳоллари ишловга тўймайди. Сабаби — техника етишмайди. Бу ерда ҳам хусусийлаштириш ниқоби остида юзга келган талон-тороқлик мана бугун ўзини кўрсатиб турибди.

Техникани қисмларга

бўлиб ўғирлаш (бошқа иборат тополмадик) кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бу ҳол йиллар давомида босилган нопок қадамларнинг мевасидир. Айнан мана шундай ҳолатлар вилоятдаги Оқолтин, Меҳнатобод ва Мирзаобод туманларида, айниқса, авж олганди. Энг ачинарлиси шунки, хусусийлаштирилган юзлаб техника воситалари ҳозир вилоят ташқарисига чиқиб кетган.

Юқоридаги мисолларни вилоятдаги умумий манзара ўқувчига яхшироқ аён бўлсин, деган мақсадда келтириб ўтидик.

Кўрғазма Гулистондаги техника марказида ташкил этилди. «Ўзқиллоқхўжаликмашилизинг» ва «Ўзқиллоқхўжаликмашилизинг» компаниялари ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда атайиб ташаббусга қўл уришди. Кўрғазма намоёнлиги кўни «Ўзқиллоқхўжаликмашилизинг» компанияси сирдарёлик деҳқонларга бир миллион сўмдан кўпроқ техника турларини узоқ мuddатга тегишли шарт билан тақдим этишди. «Ўзқиллоқхўжаликмашилизинг» компанияси эса ўзининг 16 та корхона ва 5 та қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган юзга яқин техника турларини намоён қилиш эҳди. Кўрғазмада хўжалик раҳбарлари, фермерлар Тошкент трактор заводи, «Ўзбекмаш» қўшма корхонаси, «Чирчиққиллоқмаш» заводи ҳамда Россияда ишлаб чиқарилган техника турлари билан яқиндан танишдилар. Бир неча шартномалар тузилганлиги улар бу тадбирга чинакам қизиқиш билан келганлигидан гувоҳлик беради.

Гулистон шаҳридаги техника марказидан эндиликда Сирдарёдаги барча хўжалик раҳбарлари, фермерлар, механизаторлар йил давомида янги техника турларини харид қилиш, уларни ишлатиш сирларини ўрганиш, ўзларини қизиқтирган масалаларга маслаҳатлар олиш имконига эга бўладилар.

Сирдарёда республикамизнинг энг нуфузли корхона ва заводлари билан қўшни-қўлга бериб ишлаш имконияти пайдо бўлди. Вилоят ҳокимлиги Оқолтин туманида 336 гектар экин майдонини марказга тажриба даласи сифатида ажратиб ҳақида махсус қарор қабул қилди.

Назаримизда, муз жойидан қўчи. Бу вилоятда янги ташаббуслар, ўзига хос ҳаракатлар бошланганлигидан дарак бермоқда.

Аликул ҲОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Деҳқон ва фермер хўжаликларига айлантириладиган 177 хўжаликда фермер хўжаликлари ташкил этиладиган ер майдонлари харитаси лойиҳаси ишлаб чиқилгани таъкидланди. Жойларда хўжаликларни деҳқон ва фермерларга бўлиб бериш бўйича ҳудудий комиссиялар тузилган. Ушбу жараёнинг очик ва ошқо-ра олиб боришидаги барча вазифалар улар зиммасига юклатилган.

Йиғилишда бу борадаги мавжуд муаммо, хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, янги ташкил этиладиган фермер хўжаликларига зарур инфратузилма яратиб бериш тадбирларини тезлаштириш, шартномалар тузишга ёрдам бериш, деҳқон ва фермер хўжаликларини етарлича кредит маблағлари билан таъминлаш борасидаги ишларни тўғри ташкил этиш бўйича тегишли тавсия ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маъмуриятининг И.Журабеков сўзга чиқди.

Олим НОРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.



Йўлов чиройи

— Бу йил ёнгирчилик кўп бўлгани боис йўловларда ўт-ўланлар гуркураб ўсмоқда. Йўлов серут бўлса, чўпога барака келтиради, кўй-қўзининг сони эса кўпайишидан қўпаяди, — дейди Жиззах вилоятидаги «Галлаорол» шимий-ишлаб чиқариш аэрофирмасининг бош чўпони Бегим Қўдратов.

Бегим ака қўла қиритган қўрсаткичлар ҳам бунга тасдиқлаб турибди. Унинг отарида 500 бош қўй бўлиб, шундан 330 боши совлақ эди. Мавсум мубайнида ҳар 100 бош совлақдан 95 бош соғолм қўй олинди.

СУРАТДА: бош чўпони Бегим Қўдратов йўлов.

Илҳом ТҲРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Дўстлик жамиятлари кенгашида хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов олиб борди.

Мажлисда Кенгаш қўшидаги 36 та дўстлик жамиятининг фаолияти ҳамда турли давлатлардаги 20 дан ортиқ ватандошлар уюшмалари билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш борасида олиб бориладиган ишлар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маъмуриятининг алоқалар ва дипломатия бўлими раҳбари, бугунги кун билан дунё жамоатчилигини

таништиришда Дўстлик жамиятлари кенгашининг ўрни, айтиш пайтда бу соҳада қилиниши лозим бўлган устувор вазифаларга тўхтади. Хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ва халқаро майдондаги обрўси билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Кенгаш раиси Н.Иброҳимов жамиятлар амалга оширган ишлар, хусусан, хорижий мамлакатларда ўтказилган илмий-амалий анжуман, учрашув, кўрғазма, турли соҳадаги делегация алмушавури, «Сиз Ўзбекистон ҳақида нималар биласиз?» мавзудаги викториналар ва бошқа тадбирлар алоҳида эътиборга молик эканлигини қайд этди. Айтиш пайтда Кенгаш олдидан турган муаммолар ва

уларнинг ечими юзасидан ўз мулоҳазаларини билдириди.

Йиғилишда ютуқлар билан бир қаторда бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам атрафлича муҳокама қилинди. Ўзқиллоқхўжалик тадбирлар қўламини кенгайтириш, мазмуний қамровини чуқурлаштиришга доир аниқ тақлифлар айтилди. Айрим дўстлик жамиятлари фаолиятидаги камчиликлар кескин таъкид қилинди.

Мажлис сўнгида ана шу тақлиф-мулоҳазалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни янада яхшилаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Камола МИРЗАҲИМОВА.

Ҳўшда газ — ташвишинг оз

Наврўз тантаналари давомида эътиборни шу кунларда газчилар форишларига ўзига хос тўхталар ҳақида эитишди. Туман марказидан 8 км. узоқликдаги Қўйбулоқ қишлоғида «зангори олов» ёти.

Тумандаги «Боғдон» ижара ширкатлар билан бирликда ҳудуддаги Эгизбулоқ қишлоғида эса 11,5 миң аҳолига хизмат қиладиган газ тақсимлаш станцияси фойдаланишга топширилди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жойлардан хабарлар

Бугунги кунда олувчи ҳам, сотувчи ҳам кўп нарсадан хабардор бўлишни хоҳлайди. Қаерда нима бор, нархи қанча? Шунга қараб иш юритган тадбирчилар асло ютказмайди.

Узоғи яқин, мушқули осон

Навоий шаҳрида иш бошлаган республика товар-хонашў бижирсини филиалида шундай имконият яратилди. Бу ердаги замонавий жиҳозланган электрон ахборот марказига эга биржа зали, компьютер тармоғи, факс, телефон алоқалари, Интернет тармоғи бир зумда мушқули осон қиладди.

Филиал қўшида товар-хонашў кўрғазмалари, «Кимшод» савдоси йўлга қўйилди. Хуллас, навоийлик ишбилармонларнинг узоғи яқин, мушқули осон бўлди.

А. ПИРМАТОВ.

Таклиф сайловчилардан чиқди

Депутат эса уларни рўёбга чиқаради

Кўргонтепа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалигининг раҳбари, Олий Мажлис депутати А. Аҳмедов ўз сайловчиларининг таклифи билан қишлоқларда сут қабул қиладиган шохобчалар ташкил этди. Энди уй бекалари соғинган сутни бозорга олиб чиқмайди. Шифобахш неъматини шундай ёнлардаги шохобчаларга ўлчаб берадилар ва пулини шу ерининг ўзида қада санаб оладилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

Ижарачилар ўқияпти

Риштон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ташаббуси билан ижара усулида меҳнат қиладиган деҳқонлар учун ўқув-амалий машғулотлар ташкил этилди. Ижарачилар мутахассисларнинг қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислохотлар моҳияти, солиқ, молия, банк тизимидagi янгиликлар ҳақидаги маърузаларини тингладилар. Машғулотлар савол-жавоб, қизгин баҳсларга бой бўлди.

Ўқув машғулотларини амалий иш билан қўшиб олиб борган Аҳмаджон Муҳиддинов, Маҳмуджон Темиров, Тойиржон Маматқўлов, Шамсиддин Мўминов сингари ижарачилар чингит эканлигини вилоятда биринчилардан бўлиб тугаланди.

Н. СОБИР.

Ислохотларни янада чуқурлаштириш — долзарб вазифа

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини, вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари — ҳудудий комиссиялар раислари, айрим туман ҳокимлари ва мутахассислар иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини, мазукур комиссия раиси Н.Юсупов йиғилишнинг очар экан, давлатимиз раҳбари аграр соҳада иқтисодий ислохотларни янада изчиллаштиришга жиддий

этибор бераётганини таъкидлади. Президентимизнинг йиғилишида эълон қилинган «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликлари айлантиришга қаратилган ва 2002 йил 7 ноябрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши маблағ билан таъминлаш механизминини такомиллаштириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги қарорларининг ижроси билан боғлиқ масала муҳокама этилди.



«Халқ сўзи» назоратида

Қилмишлари фрош бўлди

Газетамизнинг шу йил 17 январь сонида «Кўзбўямачилик» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда Қамаш туманида экинзорларни шудгорлаш кечиккани, устига устак, гафла экин режалари буюлгани тилга олинганди.

Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Н.СУЛАЙМОНОВнинг тахририятимизга хабар қилишича, газетанинг бу борадаги чиқиши ўринли бўлган. Прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишлар чоғида Қамашда 2003 йил ҳосили учун ерларни ҳай-

даш ҳамда гафла экин ишларининг бориши билан боғлиқ агротехника тадбирлари ўз вақтида бажарилмагани аниқланган. Жорий йилнинг 29 январига чад бўлган маълумотларга қараганда, туман бўйича шудгорланиши режалаштирилган 11200 гектар майдоннинг 9157 гектари ҳай-

далан. Л.Мухаммадиев номи хўжаликда 983 гектар ернинг 151 гектари, «Тўқбой» хўжалигида эса 1060 гектар майдоннинг 172 гектари шудгорланмай қолиб кетган. Хўжаликларда 2003 йил ҳосили учун экилган гафла майдонлари 4-5 февраль кунлари вилоят ер ресурслари хизмати бошқармаси мутахассислари жалб этилган ҳолда қайта ўлчанганида, «Тўқбой»да белгиланган режага нисбатан лалми гафла 30, сувли гафла 18

Муайян масалага жамоатчиликнинг, кўпчиликнинг диққат-эътибори қаратилса, алоҳида урғу берилса, ўша соҳада эришилган ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам «ярқ» этиб кўзга ташланиб қолади. Мамлакатимизда ҳар бир йил зиммасига, халқ турмушини яхшилашнинг устувор йўналишлари вазифа қилиб қўйилиши бениҳоя улкан самара бермоқда.

ОБОД МАҲАЛЛА — ОБОД ЮРТ

Тасаввур қилинг: матбуот, радио-телевидение ҳар кунги маҳалларимизни обод қилиш борасидаги ташаббуслар, ҳаракатлар ҳақида пайдар-пай хабар бериб турибди. Бундай шароитда ҳар қандай мудроқ одам ҳам кўзини очади. «Ахир биз Обод маҳалла йилида яшаймиз, атрофимизни чиройли қилиб қўймасак уят-а», «2003 йилнинг қандай ном билан аталганини билсанми, ўшанга қараб иш тут» — булар халқимиз орасида табиий равишда айтиладиган фикрлар. Шу эмасми бир-биримизни оғоҳ этадиган, керак бўлса, тартибга чиқариладиган жамоат назорати?!

Йилнинг дастлабки уч ойи шунини кўрсатдики, халқимизнинг эътибори обод маҳалла масаласига қаратилгани ҳамма-ҳамманинг муддаосини ифода этган. Эҳтимол, шу давр мобайнида бунёд этилган янги манзиллар, гузар ва оромгоҳларни қимир чўтга солиб ҳисоблаб чиқар, лекин шу аснода халқимизнинг руҳи бардам бўлганини, истиқболга ишонч юксалганини қайси рақам ва кўрсаткичларда акс эттириш мумкин?! 2003 йил мобайнида ўзи яшайдиган маҳаллага кўрк бағишлаган одамлар кейинги йилларда ўрганган одатларини давом эттирадилар, албатта. Бу қадар доно сиёсатга тан бермай иложингиз йўқ.

Поп туманида 2001-2002 йилларда қандай туб ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари бажарилгани, бу янгилаш ишлари оғидида қандай акс этгани ҳақида ўз вақтида ҳикоя қилгандик. Бу ерда Обод маҳалла йилининг илк чорагида қилинган ишлар билан танишганимизда Президентимизнинг «Ислохотлар ҳаёти, ҳаёт эса тафаккурни ўзгартиради» деган гапларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Муҳими, Попнинг ҳар бир фуқароси туб ўзгариш, янгилаш ишига шахсий улушини қўша олишига ишонч ҳосил қилсин. Туман раҳбарияти ана шу йўриқ асосида иш тутмоқда. Нафақат бугунги кунини, балки узоқ келажакни кўзловчи ишлар амалга ошириляпти. Туман марказидан ўталган йўлни кенгайтириш бўйича қилинаётган саёй-ҳаракатлар ана шундай истиқболли тадбирлар сирасига кирди. Кенг, ёруғ, раёон йўллар ҳар қандай йўловчинини ўзига тортиди. Попликлар йўл деганда фақат қўчани эмас, унинг икки тарафида файз ва барака рамзи бўлиб турган инфратузилма силсиласини тушунадилар. Худди ана шу катта йўл ёқасида кунини кеча спорт-соғломлаштириш мажмуаси ишга туширилди. Бу қошона рўпарасида янги савдо дўконлари, ошхона ва чойхоналар жозибадор кўриниши билан миқозларни ўзига қорламоқда.

— Мен етмиш етти йилга тўлдим, — дейди ўзини Хукуматхон яа деб таништирган онахон. — Полда қилинаётган ўзгаришлар биз, қарияларни ёшартириб юборди. Яхши ишларга қўл ураётган инсонларни эртаю кеч дуо қиламан.

«Обод маҳалла йили» дастурини рўёбга чиқариш бўйича қилинаётган ишлар ҳар бир мактаб, қишлоққа ўз дастагини қолдирганди. Мирзо Улугбек номи гимназия ҳовлиси пойттахтади ўқув юртлари ҳам давас қилиниши мумкин. Бу даргоҳда ёшлар махсус дастур асосида таълим олишати. Шу гимназия ўқувчиси Рауф Эргашев ҳозир АҚШнинг Айова шаҳридаги мактабининг 11-синфида ўқияпти.

Хўжаобод қишлоғида бунёд этилган «Султонхонота» мажмуаси Наврўз кунларида ишга туширилди. Бу мажмуанинг ўзига хос томони нимадасангиз — ҳамма томони замонавий кўринишда: ял-ял товланган ойна, оҳиста очилиб-ёпиладиган эшиклар худди хорижий элларда кўрганганимизни эслатади.

Ўзбекистон замини вилоят, туман каби маъмурий-ҳудудий бўлиминлардан ташкил топган. Туманлар эса маҳаллалардан иборат. Агар 2003 йил олдида қўйилган вазифани бажарсак, ҳар бир фуқаронинг гайрат-шижоати туйфайли маҳаллалар ободлиғига эришсак, бутун Ватан обод бўлади. Авлодларга овоз ва обод Ватан қолдириш — ҳаётдаги мақсадимиз шу эмасми?!

Ш.ЖАББОРОВ.

Очиқ мулоқотлар

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилояти Қиррай туманида «Ироқ атрофидаги вазият: таҳлил ва муносабат» мавзуда очик мулоқот ўтказди. Унда маҳалла фаоллари, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларнинг вакиллари, ширкат хўжаликлари аъзоларидан иборат 500 та яқин киши иштирок этди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, калқаро шарҳловчи Қуддус Аъзамов, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев, Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси Маҳмуд Тоир, туман ҳокими Саидхўжа Тошхўжаев, Салар шаҳарчаси хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Озода Шукророва, Олий Мажлис депутати, доцент Асадулла Абдурахмонов, Қиррай шаҳридаги Фуқрат номи маҳалла оқсоқоли Толиб Тўраевлар йиғилганларга Ироқ атрофидаги вазият юзасидан Ўзбекистон давлати тугатган сиёсат моҳиятини тушутирилди ва қўлаб саволларга жавоб бердилар.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги саноат касб-хўнар коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида ҳам худди шундай «Давра суҳбати» ўтказди.

Мурод ҲОШИМОВ.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлис XI сессияси очилишига 26 кун қолди



Кунун чиқарувчи олий органнинг ҳар бир сессияси мамлакатимиз ва халқимиз босиб ўтган муайян тарихий босқичнинг сарҳисоби. Ҳар бир сессиянинг кун тартибига киритилган масалалар мамлакатимизда илмийлик билан амалга оширилган ислохотларнинг натижаларини йўналишларини белгилаб беради. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси кун тартибига киритилган масалалар мамлакатимизда илмийлик билан амалга оширилган ислохотларнинг натижаларини йўналишларини белгилаб беради. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси кун тартибига киритилган масалалар мамлакатимизда илмийлик билан амалга оширилган ислохотларнинг натижаларини йўналишларини белгилаб беради.

даги (янги таҳрирдаги) Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳалари мамлакатимизда кечаётган сиёсий ислохотлар ва демократик жараёнларни янада чуқурлаштирувчи ҳаётий ҳужжатлардир. Улар нафақат халқимиз, балки юксалаётган Ўзбекистоннинг ҳар бир қадамини синчковлик билан кузатаётган халқроқ жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Давр тақозо эштаётган қонун

Мен ҳам депутат, ҳам мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ташиқлотларнинг биринчи вакили сифатида мазкур сессия кун тартибига киритилган яна бир муҳим ҳужжат ҳақида алоҳида тўқнашнинг истар экман. У — «Жамоат фондлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасидир. Ривожланган демократик давлатлар таърихидадан маълумки, но-

давлат жамоат ташиқлотлари фаолиятини қўчайтириш кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш учун энг самарали ва ишончли йўллар. Ушбу ҳақиқат йилдан-йилга ўзини яққолроқ намойён этмоқда. Мамлакатимиз ҳаётининг турли-туман қир-

раларини бундай ташиқлотларнинг фаолиятини тасаввур этишини ўзи амридаҳол. Айниқса, охириги 4-5 йил давомида жамоат фондларининг ўрни, салмоғи кўзга ташланиб қолди. Яқин ўтмишда тасаввур қилиш қийин бўлган вазифаларни улар бугун астойдил бажармоқдалар. Турли ижтимоий қатламларнинг нодавлат ношароҳат ташиқлотларига муносабати ҳам ўзгармоқда. Уларга нисбатан интилиш ва ишонч ортб бормоқда. Давлат тузилмаларининг тасаруфидоли масалалар ва муаммоларни ечишда бу та-

риқотларнинг амалий иштироки сезилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бундай эътиборли ва умидбахш натижаларнинг қанолати давлатимизнинг жамоат фондлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган фаол сиёсатидир. Табиийки, ҳуқуқий демок-

ратик давлатдаги ҳар қандай жараян муайян қонуний мейв-ерларга асосланмоғи зарур. Жамоат фондлари ҳам ушбу умумий қонунийлик мустасно эмас, албатта. Шу билан биргаликда ўтган даврда туپланган амалий таърибга шунинг кўрсатмоқдаки, жамоат фондлари фаолиятининг бундан-да самаралироқ бўлишини таъминлаш зарурати улар билан боғлиқ бир қатор муаммоларнинг ечимини элдик билан ҳал этишни тақозо этмоқда. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида мамлакатимиз Президентини маса-

ланинг айна шу жиҳатида депутатлар, давлат муассасалари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборини қаратгани ибратли. Жумладан, мазкур фондларнинг мунтазам кенгайиб бораётган фаолияти молиявий манбаларни қўпайтиришни ҳам тақозо этмоқда. Ушбу сессияда Президентимиз Исроҳ Каримов фондлар ҳақида махсус Қонун қабул қилиш ташаббуси билан чиқиб, улар фаолияти молиявий таъминотининг ишончли механизмларини яратиш вазифини ҳам ўртага қўйган эди.

Биринчи ўқишда муҳокамага киритилган қонун лойиҳасининг кенг жамоатчилик муносиб қаршичилишига ишонаман. Албатта, илк муҳокамага тақдим этилаётган лойиҳа мукамалликка даражасига эришилган бўлиши қийин. Лекин унинг яратилиши ҳамда нафақат депутатлар, балки кенг омма ҳукмига ҳавола этилаётганнинг ўзидек мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократик жараёнларнинг натижаларидир.

Зоҳидулло МУНАВВАРОВ, Имом ал-Бухорий халқаро жамағатси раиси, Олий Мажлис депутати.

Ҳозир кўпчиликнинг эътибори Ироққа қаратилган. Суҳбатнинг бош мавзуси — Саддам Хусайн ўрнатган тузумга қарши АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалиция амалга ошираётган ҳарбий ҳаракатлар, десак янгиликларимиз. Ироқнинг нафақат Яқин Шарқ минтақаси, балки жаҳон барқарорлигига катта таҳдид солаётгани бугун ҳеч кимни бефарқ қолдирмайпти.

Айрим хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг ҳар хил асосси хабарлар тарқатиб, «ахборот жанги»ни бошлагани ҳам назаримиздан четда қолмаслиги керак. Баъзи ноҳолис хабарларнинг кузата туриб, башарият хавфсизлигини ўйламай, фақат ўз манфаатини кўзлаш

Муносабат

киларгадир кераклигини билиб олиш мушкул эмас. Шундай пайтда Президент Исроҳ Каримовнинг «Бундай мураккаб вазиятда воқеаларга ҳушёрлик ва сезгирлик билан муносабатда бўлишимиз, ноҳолис ахборот тарқатаётганлар ортда қимлар, қандай қучлар турганини, улар қимларнинг манфаатларини ифода этаётганини унутмаслигимиз керак» деган сўзлари елга келади.

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

— Саддам Хусайннинг мамлакат миллий бойлигини халқ фаровонлигига эмас, қуролланишга, энг хавфлиси, оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқишга сарфлаши, ўзи яратилган сиёсатдан норози ироқликларни қатагон қилгани бугун кўпчиликка сир эмас, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети-нинг талабаси Аброр Бердиев. — Дунёнинг бир нуқтасига келган қулфат бошқа жойда яшаётган одамларнинг ҳам фожиаси ҳисобланади. Бинобарин, Саддам Хусайн ўрнатган тузум дунё аҳлини, жумладан, бизни ҳам бефарқ қолдирмаслиги керак. АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалициянинг ҳозир қўлаб мамлакатлар қўллаб-қувватлаётганининг сабаби ҳам шунда. Ҳеч бир халқ сайёрамиз тинч-

ёритишдан бошқа нарса эмас. Ахир, Ироқни оммавий қирғин қуролларидан халос қилиш учун БМТ томонидан ишбу мамлакатга нисбатан ушбу йўлларга яқин резолюция қабул қилинган бугун барчага аён-ку? Халқаро коалициянинг ҳарбий ҳаракатлари ушбу ҳужжатларга қўйилган талаблар бажарилмаганидан, ўзга чора қолмаганидан кейин бошланди. Яна бир суҳбатдошимиз — ўқитувчи Насиба Ҳамроева бундай дейди: — Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар зўравонлик тузумига барҳам бериш, жаҳон ҳамжамиятига қўйилган олмаётган ироқликларни жабр-зулмдан халос қилиш, мамлакатни очик, демократик жамиятга қайтариш мақсадида олиб борилаётган. Саидмурод РАҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Хайрли мақсад йўлида

Одамзотнинг ажойиб бир табииати бор: бошланаётган ҳар кундан, ойдан, йилдан ўзи учун, элурти учун хайрли бир воқеани кутади. Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси кун тартибидан Ватаннинг равақини, миллиятнинг ижтимоий ва маданий тараққиёти, халқнинг фаровонлиги йўлида муҳим босқич бўла оладиган масалаларнинг ўрин олишини хоҳлайди, муносабат билидиради, тасдиғини топмоқ бўлади.

сессиянинг кун тартибида бошқа бир қатор муҳим масалалар билан бирга жамоат жамағатлари тўғрисидаги масала ҳам бор. Шу кеча-кундузда мамлакатимизда 300 дан зиёд жамоат ташиқлотлари фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида «Шаҳидлар хотираси» ташиқлотидек ўз олдига хайрли мақсадни қўйган жамағатлар оз эмас. Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларда бу жамоат жамағатларининг ўрни ва нуфузи орттиб бормоқда.

шаббуси билан тузилган «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамағатси ташкил топгандан бери номлари ҳатто оила аъзолари томонидан ҳам унутилаётган қанчалар-қанча «халқ душманлари», «аксил-инқилобчилар» ва «миллатчилар» тўғрисидаги ҳақиқат юзага чиқиб, улар ҳақида юзлаб телекўрсатув ва радиоешитиришлар уюштирилди. Ҳужжатли телефильмлар, роман, қисса ва очерклар, тасвирий санъат ва муҳика асарлари яратилди, газета ва журналларда мақолалар эълон қилинди, қанчалар-қанча хотира кечалари ўтказилди. Бу табирилар нафақат тарихий адолатни тиклаш ва қатагон

даври қурбонлари хотирасини адабийлаштириш, балки айна пайтда ёш авлодди ва-танпарварлик анъаналарини руҳида тарбиялаш ишига ҳам муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Кези келганда, айтиш жоизки, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган шу йўналишдаги ишларнинг дастлабки якуни сифатида ўтган йили Тошкентнинг Юнусовд туманидаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлиги мажмуида «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи барпо этилди. 2002 йил 31 августдан шу кунга қадар кечган қисқа вақт ичида музейни 500 минг

киши келиб кўргани ва катта таассуротлар олганининг ўзидек тарихий ҳақиқатни тиклаш халқимиз орасида муносиб акс-садо берганини кўрсатади. «Жамоат фондлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг сессия кун тартибига киритилиши кундан-кунга фаолиятимиз кенгайиб бораётган пайтда бизга янги имкониятлар очилишидан дарак бераётгандек. Жамағатлар ишидаги муайян қийинчилик ва камчиликларни ҳал қилишда, жамоат ташиқлотларининг фаолиятини янада қўчайтиришда сессияда қўйилган лойиҳа муҳокамаси айна мудола бўлади.

Наим КАРИМОВ, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамағатси раиси.

Жаҳон тадбиркор аёллари Женевда учрашди

Швейцариянинг Женева шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа комиссияси томонидан ташкил этилган жаҳон тадбиркор аёлларининг иккинчи форуми ўтказилди. Форумда жаҳоннинг қирққа яқин давлатидан уч юзга яқин тадбиркор аёл иштирок этиди, — деди Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Гулчехра Ҳамидова ЎЗА мухбирига. — Унда, асосан, халқаро банклар ҳақида кенг маълумот бе-

рилиб, кредитларни жалб этиш йўллари ҳамда тадбиркорларнинг Интернет орқали фаолият юритишига оид масалалар муҳокама этилди. Беш кун давом этган форумда дунёнинг кўзга кўринган етакчи банкларининг тақдироти ўтказилди. Унда тадбиркорларга кўрсатилиши мумкин бўлган барча хизматлар ва кўмаклар юзасидан батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга, тадбирда иштирок этган барча давлатлар-

нинг тадбиркор аёллари ўз фаолиятлари ҳақида сўзлаб берди. Ўзaro ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокаралар бўлиб ўтди. Анжуманда ўзбекистонлик тадбиркор аёлларнинг ўзлари яратган нафис ва ноёб миллий либос ва буюмлар кўрсатмаси ҳам ташкил этилди. Форумда Бухоро зардулик фабрикаси директори Мафзуфа Салимова «Йилнинг энг яхши хунарманди» деб топилди.

Норгул АБДУРАИМОВА.



саноатининг гиганти

Фаргона вилоятининг Бешариқ туманида «Бестекс» Ўзбекистон-Германия-Туркия қўшма корхонаси қурилиши жадал олиб боришмоқда. Уни ҳозирда «Бешариқ саноатининг гиганти» деб аташмоқда. Сабаби — корхонанинг биринчи навбати ишга тушган, бу ерда ишлаш 7 мине 392 тонна пахта қайта ишлашиб, 6 мине 800 тонна калава ип тайёрланади. Унинг 80 фоизи экспортга чиқарилади. Муҳими, 350 нафар йигит-қиз иш билан таъминланади. Кейинчалик эса қўшма корхонада тикувчилик цехи ҳам барпо этилади. Янеи ҳечда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ва яна 350 нафар киши меҳнатга жалб қилинади. Бунёкорлар «Бестекс»нинг биринчи навбатини шу йилнинг май ойида фойдаланишга топширишни мўлжаллашмоқда. СУРАТДА: монтажчи Расулжон Ҳасанов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Модомики, ширкат ҳужаликлари — жамоа ҳужалигининг пайчил асосига қурилган бутунлай янги шакли экан, уларда мулкка, ерга мутлақо янги муносабатлар жорий этилиши зарур. Энг муҳими, жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз пайига эга бўлиши, қилган меҳнати учун эски замондаги, ҳаммага бир хил бўлган, деган тенгчилик тамойили асосида эмас, ҳужалик ютуқларига қўшган шахсий ҳиссасига қараб ўз ҳақини олиши керак», деб таъкидлаган эди Президентимиз.

Энди ўзингиз айтинг: шунинг ўзидек жамоада манфаатдорлик ошганини қўрқатмайми? Шундоқ бўлган, пайчиларнинг меҳнати муносабатлари ўзгартириш табиийми? Уларга идоралар туриб буйруқ беришга ҳоҷат қоладими? Асло!

қулоққа ёқмас», дейди халқимиз. «Жейнов»да, кўриб турибисизки, деҳқонлар йил сайин кўпроқ манфаатдор бўлмоқдалар. Ширкат ҳужалиги 4-кичи ширкатнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларига назар солган киши дарҳол бунга ишонч ҳосил қилади. 2002 йилда 400 гектар ерда гўза ўстирилди, ҳосилдорлик 33,5 центнерга,

Ислохот стратегияси

ПАЙИГА ВА ИШИГА ҚАРАБ

ҳақ тўлаш Қашқадарёдаги «Жейнов» ширкат ҳужалигини мамлакатга танитди

бўлса, бултур бу кўрсаткич 55,2 центнерга етди. Эътиборлики, бир гектар ерга 60,9 минг сўм сарфланиб, яқунда 245,5 минг даромад қўлга киритилди. Бу бурноғи йилдаги тақдосқанда 167,5 минг сўм кўпроқ. Табиий савол турганда: «Жейнов»та қарашли ерлар шунчалик унумдор, серҳосилми? Маълумотларга қўра, Қашқадарё вилоятида сугорилган ер майдонлари бонистеги ўртача 55 балл. Бу кўрсаткич эса «Жейнов» ширкат ҳужалигида 49 балла тенгдир.

Аён бўляптики, гап ерда эмас, гап деҳқоннинг унга муносабатида. Ер тўйса, ўзи ҳам, бошқалар ҳам тўйишини, эл-юрт тўқ-фаровон ҳаёт кеиришини англаб етганлигида. Бунинг англаш қандай кечю-ю, бугун қай даражада кечмоқда? «Қуруқ қошиқ оғиз ирттар, қуруқ гап

яқли хирмон эса 1340 тоннага етказилди. Натияжада 117 миллион 683 минг сўм соф фойда қўрилди. 1 гектар ерга 265 минг 792 сўм харажат қилингани ҳолда 560 минг сўм даромад олингани тўғайли шунга эришилди. Дивиденд учун мўлжалланган 5 миллион 722 минг 524 сўмининг 174 минг 990 сўми эса ширкат раисига теги. Бундан ташқари, у «Тико» автоматинаси билан ҳам мукофотланди.

Бир пайчи — оилавий пулратчининг даромади ҳисоб-китоб қилинса, бу ерда манфаатдорликнинг ошганиги янада яққол кўринади. Хусусан, 5-кичи ширкатнинг оилавий пулратчиси Алишер Сафоев 2002 йилда 55 гектар ерининг ҳар гектаридан 47,2 центнердан пахта йиғиштириб олди. 1 гектар ерга 285 минг 64 сўм харажат қилиб, 818 минг 709 сўм даромадга

эга бўлди. Бошқача айтганда, жами 29 миллион 350,5 минг сўм соф фойда қўрди. Унинг 539 минг 785 сўми дивидендга ажратилди. Шундан 361 минг 37 сўми пулрат аъзоларига, 178 минг 748 сўми ўзига теги. 6 миллион 375 минг 112 сўм мукофотнинг 6 миллион сўми ҳам унга тегишли бўлганлиги учун, «Тико» автоматинаси берилди. Маана, сизга манфаатдорлик! Албатта, Қашқадарёдаги

тирдик. Кичик-кичи карталар ҳам яхлитлаштирилди. Ташландиқ ерларни текислаб, пайкалларга қўшилди. Сув йўллари тозаланиб, тартибга солинди. Янги йўллар очилиб, икки тарафига тут ва манзарали дарахт ниҳоллари экилди. Ерларнинг медиоратив ҳолати ҳам ёмлониб, пайкалларни юлғун, ажриқ ва бошқа бегона ўтлар босиб кетган экан. Коллектор ва дренажлар 10 йилда тозаланмаган. Ҳозирги кунда 3 та эквакатор ва шунча бумозер ёрдамида уларни ҳам тартибга келтирилди.

2003 йилда 3100 гектар ердан 8100 тонна пахта етиштиришимиз керак. 1350 гектар ерда эса гаула майсалари гуркураб ўсапти. Бу майдонлардан 5400 тонна дон олишни мўлжаллаганимиз. Бунга, албатта, эришамиз. Чунки икчи резервлари ҳам қўпаймоқда: яқин орда «Олтин бошқоқ» мавзесига 200 дан ортик ҳонадон қўиб бориб жойлашлади. Ана шу аҳоли яшайдиган қўрғонга ичимлик суви олиб бориш, ҳудудини қўламзорлаштириш, қўчаларга асфальт ётқишиш каби ишларнинг тизорқ амалга ошириш учун ҳаракат қилаяймиз. Токи одамлар меҳнат қилган кам бўлмаслигини билдирсин. «Жейнов»да эса шундай бўлади: ким ҳужалик ютуғига қанча ҳисса қўйса, шунча манфаат қўради. Дивиденд ҳам, мукофот ҳам уники бўлади. Ҳа, шундақ, «Жейнов» том маънодаги ширкат ҳужалиги ҳисобланади. Пайчилар ҳисоб-китобга ўрганишган. Бир сўм сарфлаб, кўпроқ даромад олиш, мул ва сифатли ҳосил етиштириш уларнинг асл мудоасидир. Маъмурий-буйруқбозлик, мажлисбозлик деганлари бу ерда унутилган, моддий манфаатдорлик — ҳаракатга келтирувчи асосий кўчга айлانган шунинг тақозо қилаётган.

Нарзулла РАВШАНОВ, Икром ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Ҳозирги давр ва матбуот хизмати

Бугунги кунда матбуот хизматлари олдига турган асосий вазифалар нималардан иборат? Миллий матбуот марказида АҚШнинг Халқаро республика институти, Ўзбекистон Республикаси Президентини Матбуот хизмати ҳамда мазкур марказ ҳамкорлигида ташкил этилган вазириқлар, давлат идоралари ва жамоат ташиқлотлари матбуот хизматлари раҳбарларининг 5 кунлик ўқув машғулотига яқунда бағишланган анжуманда шу масалага эътибор қаратилди. Кўп йиллар давомида АҚШ ҳукумати идораларида матбуот хизмати раҳбари лавозимларида ишлаб, катта таърибга эришган, ҳозир жаҳонда демократиянинг ёйиши билан шуғулланувчи Халқаро республика институтининг коммуникациялар ҳамда ташқи алоқалар бўйича вице-президенти Маргерит Салливан қонининг маърузаси тингловчиларда катта қизиқтири уйғотди. Анжуманда ўқув семинарида қатнашган матбуот хизмати ходимлари сертификатлар топширилди. Бундан ташқари машғулотларда фаол иштирок этган матбуот котибларидан 10 нафарига АҚШда малака ошириш учун йўлланма берилди. Мохри БОЛЛИЕВА, ЎЗА мухбири.

Кино санъати муаммолари

Кеча пойтахтимиздаги Киночилар уйида 2001-2002 йилда «Ўзбеккино» компанияси студияларида ва «Ўзбектеатр»да яратилган фильмларга бағишланган иқидий конференция бўлиб ўтди. Унда кинодраматурглар, режиссёрлар, актёрлар, танқидчилар, журналистлар ва санъат жонкуярлари қатнашди. Конференцияда Х.Носировнинг «Замонавий ўзбек бадиий киносининг ривожланиш тенденциялари», Б.Ҳасановнинг «Истиклол гоғялари ҳужжатли экран талқинида», М.Мирзамухаммедовнинг «Мультипликацион фильмларнинг аҳволи» мавзуларидаги маърузалари тингланди. Конференциянинг ўз-ўзини танқид руҳида ўтганлиги таҳсинга лойиқ бўлди. Жумладан, «Ўзбеккино» компанияси раиси Мурод Муҳаммад Дўст камчилик ва муаммоларни ошқор қилди: — Аҳволимизни яхши деа олмайман. Ишлаб чиқарган фильмларимиз ўз харажатларини қопламапти. Аслида энг камда 10-15 та фильм яратилиши керак. Ажратилган пул эса 4-5 та фильмга етди. Шунда ҳам сценарийларнинг кам харажат бўлишини ҳисобга олишимиз лозим бўлади. Кейинги пайтларда шахсий кино ва видео студиялар қўпаймоқда. Бу жуда яхши. Янада қўпайсин. Лекин уларнинг фильмлари ниманинг устига қурляпти? Сюжет, композиция, мотив, образ деган нарсалар уларга борми? Йўқ. Унда нима бор? Номини қиққан қизқичи ёки актёрнинг бақана қилиқлари, куракда турмайдиган гап-сўзлари, бир-иккита ҳомийлик қилган хонанданинг маънисиз қўшиғи бор. Бундай фильмларнинг «классик» намунаси — «Бумбастика» фильми. Унда ўйнаган, эл таниган актёрлар ачиндим. Кинопрокат идорасининг аҳволи ҳам ачинарли. Нечта-нечта кинотеатрларимиз савдо дўконларига, теннис ёки биллардхоналарга айлантириб юборилмоқда. Кинонинг ниҳоятда улкан тижорат, бизнес эканлигини пулдор ташкилотларга, одамларга тушунтиришимиз керак. Шунда моддий муаммоларимиз ҳал бўлиб, олга босишимиз мумкин бўлади. Конференцияда ўртага ташланган масалалар кенг муҳокама қилинди, қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Саид АНВАР, «Халқ сўзи» мухбири.

Мулоҳаза

Сўз маъносини чақиб айтайлик

Мени кўпдан буён ҳайратга солаётган, қўлимга қалам олишга мажбур қилаётган нарса кейинги вақтларда тилимиздаги сўзларни кишининг гашига тегадиган даражада бузиб талаффуз қилинаётганидир. Фикрларимни аниқроқ қилиб айтишга бўлсам, шу кунларда ўзаро сўзлашувларда, ҳатто, радиоэшиттиришларда, телекўрсатувларда суҳбатдорларнинг, мухбирларнинг тўшум келишининг -ни

қўшимчасини ишлатишдаги эътиборсизлигига диққатингизни қаратмоқчиман. Масалан, қорни сўзини қорри деб, сизни- сизди, пиёзни-пиёззи ёки пиёзди тарзда ишлатилаётгани кишининг энсасини қотиради.

Сўзларни бундай бузиб талаффуз қилиш шу дара-

жага бориб етмоқдаки, оқибатда сўзнинг маъноси ўзгаришига ҳам олиб келаяпти. Масалан, "уларни" сўзи "уларди" шаклида бузиб талаффуз қилинганда бирон-бир нарсани бир-бирига уламоқ тушунилади. Шунингдек, "ерни" сўзини эса "ерди" дея ишлатишдан "ер эди" - яъни

"танавул қилар эди" маъноси, "отнинг" дейиш ўрнига "отти" дея талаффуз қилишдан бирон нарсани улоқтирганлиги аниқлашади.

Мен тилшунос ёки адабиётчи эмасман. Лекин шунини тушунамани, сўзларни бундай қўпол равишда бузиб ишлатиш она тилимизга нисбатан ҳурматсизликдир. Сўзлашувлари бундай нуқсонларга эътиборсизлигимиз туфайли тилимизнинг қашшоқлашиб, дағаллашиб кетишига сабабчи бўлиб қолмаймизми?

М. ОРИПОВ,
пенсионер.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Радиога ҳужум хавфи



"Озодлик" радиосининг Прагадаги қароргоҳига ироқлик махсус агентлар томонидан ҳужум уюштирилиши мумкин. "NBC" телекомпанияси Чехия хавфсизлик ва ахборот хизмати раҳбари Иржи Рузекнинг маълумотига таянган ҳолда ана шундай хабар тарқатди.

Рузекнинг айтишича, хавфсизлик ва ахборот хизмати вакиллари агентлар томонидан ишлаб чиқилган бир неча режими аниқлашган. Улардан бири - террорчиликни содир этиш. Шу туфайли Чехия полицияси радиостанцияни қўриқлашни кучайтирди, деб хабар беради "Лента ру".

Йўловчи автобуснинг ҳалокати

Қирғизистонда 19 нафар йўловчи ўтирган автобус ёниб кетди. Унда кетаётганларнинг барчаси оламдан кўз юмди. Хитойда ишлаб чиқарилган икки қаватли автобус Бишкек - Норин йўлидаги баланд довондан 500 метрча нарида топилган. Транспорт Қирғизистон пойтахтидан Хитойга товар олиб кетаётганда, деб хабар беради "Лента ру". Ҳозирча ҳалок бўлганларнинг миллати ҳақида маълумотлар йўқ.



Террорчилар тинчишмаяпти

"Ал-қоида" экстремистик ташкилоти ироқликларга АҚШ ва Буюк Британия қўшинларига қарши уруш олиб бориш усуллари ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатилган хат юборди.

"NBC" телекомпаниясининг хабарига кўра, хат муаллифи Саиф Ал-Одил - Усама бин Лодиннинг яқин сафдошларидан бири. У Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган террорчиликларни уюштирилганда ҳам айбаниб қидирилмоқда.

Уйдан чиқиш тақиқланди

Гонконг ҳукумати мингдан зиёд фуқаронинг ҳозиргача тури аниқланмаган зотилкам эпидемияси туфайли уйларида қишларини тақиқлаб қўйди, деб хабар беради "Анапова ру".

Шунингдек, ҳукумат маҳаллий мактабларни ёпишни ҳам режалаштирган.

Назоратдаги кишилар буйруққа итоат этишмаса, уларга жарима солинади. Ҳатто улар озодликдан маҳрум этилишлари ҳам мумкин.



«Сағбон-нон» АЖ

акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси 2003 йил 11 апрель кuni соат 10.00да «Сағбон» гузарида ўтказилишини маълум қилади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9.00да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган асосий вазифалар тўғрисида.
2. «Сағбон-нон» ОАЖнинг 2002 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан жамият раиси ҳисоботи. 2002 йил бизнес-режасида белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботи ва 2003 йил учун тақдим этилган бизнес-режани тасдиқлаш.
3. Ижро органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси мuddатини 2003 йилга узайтириш тўғрисида.
4. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳамда 2002 йил балансини тасдиқлаш.
5. Корхонанинг 2002 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича аудиторлик хулосаси ва 2003 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
6. 2002 йилдаги корхона молиявий фаолиятининг натижалари ва дивидендларининг миқдори ва тақсимоти тўғрисида.
7. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлов ўтказиш тўғрисида.

«Сағбон-нон» АЖ 2002 йил баланси

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
Актив			
1. Узоқ мuddатли активлар	110	113094	104753
2. Оборот активлари	300	84930	100513
Балансининг активи бўйича жами (110+300)	310	198024	205266
Пассив			
1. Ўзлик маблағлар манбалари	390	167835	182163
2. Мажбуриятлар	540	30189	23103
Балансининг пассиви бўйича жами	550	198024	205266

«Дунё-Аудит» аудит фирмаси балансни тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2001 йил 3 сентябрда берилган 00180-сонли лицензия.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

қўйидаги объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Объект номи	Қурилиш тугаллаш мuddати
ЛОТ №1		
1.	Жиззах шаҳри, У.Олимов кўчасидан сув тармоғини ўтказиш	2003 йил II чорак
2.	Жиззах тумани, Хайробод қишлоғини сув билан таъминлаш	2003 йил II чорак
3.	Баҳмал тумани, Урай қишлоғини сув билан таъминлаш	2003 йил III чорак
ЛОТ №2		
1.	Галларол тумани, Э.Исмоилов номи ширкат ҳўжалигини газ билан таъминлаш	2003 йил III чорак
ЛОТ №3		
1.	Арнасой тумани, Жамбул номи ширкат ҳўжалигидаги газ қувурларини капитал таъмирлаш	2003 йил III чорак
ЛОТ №4		
1.	Жиззах шаҳри, «Иттифок», «Ўратепалик», «Зилол», «Жилли-гули» маҳаллаларидаги уйлари газ билан таъминлаш	2003 йил III чорак
2.	Зарабдор тумани, «Юксалиш» ширкат ҳўжалиги, «Янгиобод» маҳалласидаги уйлари газ билан таъминлаш	2003 йил III чорак
3.	Галларол тумани, Д.Йўлдошев номи ширкат ҳўжалиги, Кўкгулмоб қишлоғидаги газ тармоғини ҳалқалаш	2003 йил II чорак
4.	Галларол тумани, «Соҳибкор» ширкат ҳўжалиги, Уймутов қишлоғини газ билан таъминлаш	2003 йил III чорак

Буюртмач: вилоят кооператив ва яққа тартибда уй-жой қурилишнинг мувофиқлаштириш бошқармаси.

Манли: Жиззах шаҳри, К.Имомов кўчаси, 12-уй. Телефон: 224-26-52.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Пудратчи ташкилотлар зарурий профессионал ва техник маъна, молиявий имкониятларга, ишчи ресурсларига, шартнома тузиш учун фуқаролик ва юридик ҳуқуққа эга ҳамда тажрибали ва ишончли бўлишлари керак.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси Жиззах вилоти филиалига тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан эълон чоп этилгандан бошлаб соат 9.00дан 18.00гача қўйидаги манзил бўйича музоааат қилишлари сўралади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй (вилоят ҳокимлигининг эски биноси), 303, 305-хоналар. Тел./факс: (8-372) 226-14-66, 226-05-42.

Тендер ҳужжатлари бир тўлагишичи нархи — 20000 сўм.

Оферталарни тақдим этишнинг энг охириги мuddати — тендер комиссиясининг оферталарни очиб кўриш бўйича йитилиши кuni ва соатига.

Оферталар эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг тендер комиссияси томонидан вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар залида кўриб чиқилади.

Қўшимча эълон!

«КОСОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ» ОХЖ ҲИССАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«Косон ёғ-экстракция» ОХЖ Кузатув кенгашининг 2003 йил 24 мартдаги 09-сонли қарорига асосан, 2003 йил 1 апрель кuni соат 14.00га қақирилган жамиятнинг 2002 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 14 апрель кuni соат 14.00га кўчирилди ва кун тартибидagi 8-масалага «Жамият бошқаруви раиси билан ёлланма шартномасини 2003 йилга узайтириш» ҳамда 12-масалага «Жамият устав фондидан оқирлиш тўғрисида» деб тузатиш киритилди.

Кузатув кенгаши.



ТЕРМИЗ ШАҲРИДА GSM ТАРМОҒИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЕСТДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА!

25\$ УЛАШ ВАҚТИДАГИ ОЛДИНДАН ТЎЛОВ

«ПРЕСТИЖ» 99\$ РЕЖАСИ ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ + SMS ВА VMS - БЕПУЛ!

«УЗДУНРОБИТА GSM» ДАН GSMГА КИРУВЧИ ҚЎНҒИРОҚЛАР БЕПУЛ!

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КўРСАТИШ РЕЖАЛАРИ

Хизмат кўрсатиш режалари	Абонент тўлови (\$)	Ирри алоқаси баҳоси (\$)	Чикши алоқаси баҳоси (\$)	Ирри алоқаси баҳоси «Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан (GSM-GSM) (\$)
Эксплоатив	2.0	0.08	0.10	Бепул
Престиж	99.00			Бепул

БЕПУЛ УЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

SMS ҚИСКА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ

VFMS ОВОЗЛИ ВА ФАКСИМИЛ ХАБАРЛАР ХИЗМАТИ

Кечаю кундуз маълумотлар хизмати: Тошкентдаги сервис маркази манзили: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09 Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй («Лабзак»). «Уздунробита» НК телефонларидан - 611. www.uzdunrobita.uz

УзАСИ АА №0000104



Бу ерда педагоглар тайёрланади

Республикамиз шаҳарлари ва туманларида халқаро андозлардаги янги ўрта махсус таълим муассасалари сони тобора кўпаймоқда. Улар мухташам биналарда фаолиятлари бошлайётганларидан ташқари энг замонавий моддий-техника базаларига эга бўляпти...

Ўзбекининг бошини миллион йил пиширишган, ўзбекининг эси кўп, ҳар бир ишининг тагида тоғдек тажриба бор — овқатни қўлида олади, қўли қуймас, кейин озига солади.

Ярим йиллик ҳисобот билан банд бўлиб, қозғобозор хонасидан чиқишга ҳам вақт тополмай қолган Тўймас оға чойхонадан киритилган паловли косага қўл санчмоққа шайланганида, кимдир эшикни нозиксина чертди.

— Ким у? Ҳе... Эшик аста очиларкан, унга қўпланган буюқ териси «ғум-м» дея мўрагансимон товуш таратди.

— Ассалому алайкум... Мумкинми? Тўймас оғанинг ўсиқ қўшлари қовоғини тўсгудек паслаб, бурни эски махсидек гижимланди.

— Киришга кирдинг, ўтир энди. Ҳе... Сарвинисо бош ҳисобчининг қаршисидаги стулга мусичалек енгилгина кўнди ва: «Чакиртирган экансиз. Тинчликми?» деб сўради.

— Яратганга минг қатла шукурки, юртимизнинг осмони тип-тинч, захаричининг қилди Тўймас оға. — Ширкат ҳўжалигимизнинг фермаю



Хажвия

нинг ёнидан ўтиб бораётганида панжаранинг нариёғида турган болалар унга басма-бас лой отишгани, сандиқдек қўйнинг пулига келган янги костюми гўрковнинг нимчасига айлангани, бу эса, боғча ўраимида оммавий интизомсизлик ҳўкм сўраётганидан далолат беришгани ҳўқида санашга тутинди.


— Бош ишбузўки ўзингсан! — Сарвинисога бармоқ бигизлади у. — Зиппа пайқадимки, гўр бандчаларга «Муҳбил тошотар» деган эртани ўқиб бериб, ахлоқини издан чиқаргансан!

Кутилмаган ҳўруждан қарахланган Сарвинисонинг аввалига озги ҳўлқаланди, сўнг мунгайиб, ерга кўз қалади. Аёлнинг рўҳи синганини

қўриб, Тўймас оға хиёл хотиржамланди. сўзлари ҳам кескин мўлойимлашди. — Унакамас-да, Сўринисо. Айтман десанг, бошқа нарсани қўриб кетибдими? Масалан, шўлғом тўрисида аjoyиб бери эртақ бор. Биринчидан, қишлоқ ҳўжалик мавсудига тўқилган, иккинчидан, тарбиявий аҳамияти катта. Уша эртақда

— Тиррнчаларинг керагидан кўпроқ нарсани егандирки, ўтганга зўравонлик қилишадирки? Демак, боғчанга исрофгарчилик бор, озиқнинг бир қисминини тежаб қолишни ҳўжалим ўрганмагансан. Ана, гап қаерга бориб тақалляпти!

Сарвинисо ҳўнуз ҳеч нимага тушунмай: «Вой, ўлчам-оға. — Умуман олганда, мажнунтол бор жойда битта сўриям бўлади. Ҳех-ҳех-хех. Тўймас оға дунжани йиғиштириб, олифтанома ҳўракат билан эшиттичани олди. Ким биландир аллақандай солиқлар ҳўусида жаҳлланиб-жаҳлланиб сўзлашган, эшиттичани шарақлатиб жо-



удек бўлиб, «Е тавба-а!» дея ёқа ушлаган чоғда, Тўймас оға кўзларини бақалантириб, столини муштлади: — Тавбангни тафтишчиларга айтсан. Боғчангни эртагаёқ текширамиз.

— Ахир... — Гап тамом! Жўна! — Олдин гапимни эшитсангиз-чи! Илтимос, сиздан! — Ҳеч қанақа илтимос-илтимос кетмайди! — Бир чакчайиб, бир муғамбирона қияланди Тўймас оға. — Нима, менга ўтказиб қўйган жойинг бормидики, илтимосингни эшитсам? Гап қаерга бориб тақалляганини аңглаво! Уйла! Гап қаерга тақалляпти, ҳўш!

— Манави ерга тақалляпти, манави ерга! — Сарвинисо қафтини томоғига арра қилиб қўрсатиб, жазавалангудек ҳўлатда сапчиб ўрнанди турди. Аёлнинг қўли томоққа ишораланиб тўхтаганини кўргач, Тўймас оғанинг тўсатдан чехраси ёришди: «Э, ҳайрат, охири тушунди-я!»

Ҳа, ўзбекининг бошини миллион йил пиширишган, ўзбекининг эси кўп, ҳар бир гапнинг тагида уммондек маъно бор...

ТОМОҚҚА ТАҚАЛАДИГАН ГАП

Анвар ОБИДЖОН

Вилоятлар ўрта махсус ва касб-хунар бошқармалари бошлиқлари, ташкилот ва ҳўжаликлар бошлиқлари диққатига!

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

жорий ўқув йилида бакалаврият ва магистратура йўналишлари бўйича битирувчиларни йўлланмалар асосида иш жойларига тақсимламоқда. Институтни битирувчи бакалавр ва магистрларга уч томонлама шартнома асосида уларнинг хоҳиши бўйича, келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиб мақсадда сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотингизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингиз (маош, турар жой билан таъминлаш ва бошқа имтиёзлар) ҳўқида институтга шу йилнинг 15 апрелига қадар хабар беришингизни сўраймиз.

Бизнинг манзилимиз: Бухоро шаҳри, К.Муртазоев кўчаси, 15-уй. Телефонлар: 22-3-78-84, 22-3-46-76, факс: 22-3-78-84, маркетинг хизмати бўлими. E-mail: btipmon@mail.ru

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти кундузги бўлимини 2002/2003 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳўқида статистик маълумот

Table with columns for 'Бакалаврият' and 'Магистратура', listing various specialties like 'Ўзиқ-овқат технологияси', 'Технологик машина ва жўзалар', etc., and a 'ЖАМИ' row at the bottom.

«ПАХТА БАНК» И. Қўйидаги лавозимларга танлов асосида қабул эълон қилади: валюта айирбўшлаш шўхобчаси назоратчиси; валюта айирбўшлаш шўхобчаси кассири.

Setco. СИСТЕМНАЯ ИНТЕГРАЦИЯ. СТРУКТУРИРОВАННЫЕ КАБЕЛЬНЫЕ СИСТЕМЫ. КОМПЬЮТЕРНЫЕ, ТЕЛЕФОННЫЕ СЕТИ ЛЮБОГО УРОВНЯ.

КОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРИ УРНИГА МАХСУЛОТЛАР. КОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРИГА АЙИРБЎШЛАНДИГАН МАХСУЛОТЛАР. МАНОФААТЛИ АЛМАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

«Ўзавтотўй» давлат акционерлик концерни қошидаги автомобиль йўналири бirlашган дирекцияси жамоаси Тошкент шаҳар объектлари бўйича бош мўҳандис Миржолло Пулатова онаси САИМА АЙНИНГ вафоти муносабати билан чуқур тўзия ихзор этади.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош мўҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хўйяти: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош мўҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳидинов, Т. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), Г. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қамбаренов (бош мўҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.15. 1 2 3 4 5 6